

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

М.А.ХАНДАМОВА

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ
(ўқув-услубий қўлланма)



Самарқанд - 2014

УДК

ББК ...

“Маънавият асослари” ўқув-услубий қўлланма . Самарқанд, 2014 йил.
..бет.

*Мазкур ўқув –услубий қўлланма Олий таълим бакалавриат 2
босқич талабаларига “Маънавият асослари” фанидан маъруза,
семинар, мустақил таълим дарсларида фойдаланиш учун
мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир:

профессор Р.Т.Шодиев.

Такризчилар:

Ф.ф.д. О.Ғайбуллаев

Ф.ф.н. Д.Т.Амриддинова

*СамДЧТИ ўқув-услубий Кенгашининг
2014 йил 26 августдаги йиғилиши
I сон қарори билан нашрга тавсия этилган*

КИРИШ

Мустақиллик туфайли халқимиз руҳиятида содир бўлган маънавий ўзгаришларни, руҳий кўтаринкиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон давлатининг ва жамиятининг энг муҳим вазифасига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тарққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-маънавият устивор ўринни эгаллайди.

Зотан, маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи мезонлардан бири ҳисобланади. Маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур замин бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода маънавиятни талаба-ёшларимизга ўргатишга эҳтиёж ошиб бормоқда ва бу борада олдимизда жуда катта вазифалар турибди.

Мазкур ўқув - услубий қўлланмани тайёрлашда сўнгги йилларда олимлар, тарихчилар, адабиётшунослар ва маънавият масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан чоп этилган китоблар ва мақолалардан кенг фойдаланилди.

Ўқув –услубий қўлланма 2011 йилдаги “Маънавият асослари” фанидан тайёрланган Намунавий дастур асосида яратилди ва қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади:

1. Маънавият асослари фанининг предмети, тушунчалари уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари.
2. Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.
3. Амир Темури ва Темурийлар сулоласи даврида маънавият.
4. Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг халқ маънавиятини юксалтиришдаги тутган ўрни. Мустамлакачилик ва қарамлик йилларида маънавият.
5. Маънавият, иқтисод тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.
6. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи.
7. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллатга садоқат шахс маънавияти мезонлари.
8. Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари.

**1-мавзу: Маънавият асослари фанининг предмети,
тушунчалари уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари**

Режа:

1. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти, таърифи ва предмети.
2. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқиши.
3. Маънавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари.
4. Маънавият жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлиги.

1. 1997 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» фани ўқитила бошланганлиги муносабати билан бу мавзуга олимларимизнинг эътибори янада кучайди.

Собиқ шўролар даврида эълон қилинган илмий ва бадиий адабиётларда «маънавият» маданият тушунчасининг ажралмас бўлаги сифатида таҳлил қилиниб келинган.

Бу олимлар ёки ижодкорларнинг маънавият масаласини «тушунмаганлари» учун эмас, балки, давлат сиёсатида инсоннинг ички дунёси ва руҳияти салоҳиятини юзага чиқариш унинг жамият ҳаётида фаол бўлишига, миллат манфаатларини ҳимоя қилишга ва унинг етук миллат вакили сифатида шаклланишдан давлат манфаатдор эмаслигида эди¹.

Маънавият нима? (арабча «маънавият») – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирлари билан боғлиқ тушунчалардир. Маънавият – инсоннинг онги, ақлий қобилятини, руҳий кечинмаларини яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалбини ифодаловчи кўп қиррали тушунча².

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши эркин фикрлайдиган, ўз-ўзини англайдиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш вазифасини давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш қилиб белгилади. Уни амалга ошириш эса энг аввало тарбияланувчиларнинг ички руҳий маънавиятини бойитиш ва мустақил дунёқарашини шакллантиришни тақозо этади. Худди ана шу вазифа «маънавият»ни мустақил мавзу сифатида ўрганишни ҳам кун тартибига қўйди.

Шу эҳтиёждан келиб «маънавият»нинг моҳияти, тушунчалари ва ривожланиш қонуниятларига бағишланиб республикамиз зиёлийлари ўртасида қизғин мунозаралар олиб борилмоқда.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун «Маънавият»га таъриф беришда Президентимиз Ислон Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ.

Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Маънавият - инсоннинг, халқнинг жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди». – деб ёзган эди³.

¹ Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. –Т., 2003, 174 бет.

² Маънавият луғати. –Т., 49-бет.

³ И.А.Каримов. Асарлар 1 жилд, 1996, 81 бет.

Юртбошимиз «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида эса маънавият тушунчасининг моҳияти тўғрисида қуйидаги фикр мулоҳазаларни билдиради: «Кейинги йилларда бу мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисоалар, ўқув қўлланмалари, луғатларда «маънавият» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганини кузатиш мумкин. Мен бу борадаги фикрларни инкор этмаган ҳолда, «маънавият» тушунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди, деб ўйлайман. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутади»⁴.

Президентимиз ўз фикрини давом эттириб маънавиятга шундай таъриф беради: «маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баққуват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч»⁵.

Маънавият тушунчасининг таърифи «маъно», «маъни» сўзларининг бугунги биз тушунган мазмуни билан ечилмайди. Жалолиддин Румийнинг буюк асари беҳудага «Маснавийи маънавий» номи билан шуҳрат қозонган эмас. Бу ердаги маъно тушунчаси олий бир мазмунни англатмоқда, улуғ алломаларимиз уни «Ҳақ асрори» деб атаганлар, агар бугунги илмий ифодаларга кўчирсак, биз зоҳир кўзимиз билан кўриб турган чексиз замон ва маконда чексиз ва худудсиз шакллар мажмуини тўзғитиб юбормай, ғоят бир мураккаб тизимда ушлаб турган ички уйғунлик, инсон онги ҳеч қачон тўлиқ англаб ета олмайдиган яхлит моҳиятдир. Шахс маънавияти айни шу беҳудуд манбадан қувват олади. Алломанинг яна бир маънавият ҳақидаги фикрини келтириш мумкин: «ҳар не истамак, ўзингла ҳам эрур»⁶, Алишер Навоий эса «ҳар не истасанг, ўзингдан истагил», - дейди. Одам ҳам, ҳайвон ҳам овқатга эҳтиёж сезади, лекин улар ўртасида чегара бор. Бу чегарани ҳис этиш инсон учун ҳикмат олами бошланганидир. Алишер Навоий «маъно аҳли» деганда ҳақиқат йўлига кирган комил инсонни назарда тутган⁷. Шундай экан маънавият инсоннинг руҳий олами билан чамбарчас боғлиқ тушунчадир. Маънавият инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қуввати экан, бинобарин, жамиятнинг инсонларнинг маънавий маданияти қанча юксак бўлса, мамлакат шунча тез равақ топади, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш осонлашади.

«Маънавият» тушунчаси жуда кенг қамровли мазмунга эга. Рус тилидаги «духовность» тушунчаси айнан таржима қилинса, маънавият эмас, «руҳият» ёки «руҳоният» бўлади. «Маънавият» «духовность» тушунчасининг таржимаси айнан кўчирилган нусхаси эмас, балки муқобилидир. Маълумки, Европа фалсафаси «ахлоқ», «руҳ», «ирода», «гўзаллик» каби тушунчаларни тадқиқ этишда бекиёс натижаларга эришган, теран тадқиқотларни амалга оширган бўлса-да, у маънавий ҳаёти яхлит ҳолда эмас, бўлиб ўрганиш анъанасига содиқ қолган. Чунончи, немис олимлари Гегель таълимотида «руҳ», Шопенгауэр таълимотида эса «ирода» борлиқнинг ўзи сифатида аҳамият касб этади⁸.

⁴ Қаримов И.А.. Юксак маънавият енгилмас куч, Т., 2008, 46- бет.

⁵ Ўша асар 46 бет.

⁶ Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. Т., 1999.

⁷ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991.

⁸ С.Ҳ.Носирхўжаев ва бошқалар. Маънавият асослари. Т., 2002, 12 бет.

Маънавият тушунчаси келиб чиқишига кўра икки ўзакка бориб боғланиши мумкин. Биринчиси бу тушунча арабча «маъни» ўзагидан ҳосил бўлган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да маънавиятнинг иккинчи мазмуни «ахлоқий» деб ифодаланган. Маънавият нафақат «маъни»га оид мазмунда, шунингдек, «ахлоқ» ва «руҳ», ҳатто «шахснинг ҳуқуқий мақоми» мазмунларида ҳам ишлатилиб келинмоқда.

Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. Тилимизда «Баъмани одам» деган ибора бор. Бу иборага лойиқ кўрилиш улуғ бахтдир. Ва аксинча «Беъмани одам» дейиш кучли ҳақоратдир, бу – ҳайвонсифат дейиш билан баробар.

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти идрокини мужассамлаштирувчи тушунча⁹.

Маънавият фанининг **предмети нима?** Инсон ва жамият маънавий ҳаёти, мақсади: комил инсон – имон – эътиқоди бутун, иродаси баққуват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилади. Ана шу кенг қамровли вазифалардан кўриниб турибдики, инсон камолоти ва жамиятнинг юксак даражага кўтарилиши маънавиятни ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий маънавият устивор ўринни эгаллайди. Маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган Президентимиз Ислом Каримов юксак маърифий – маданий жамият қуриш, ҳар тамонлама баркамол Ватанни шакллантириш сиёсатини юргизмоқда. У «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш ўз йўлига эга ва у тўртта асосий негизга асосланади», - деб кўрсатади. Улар қуйидагилар:

- Умуминсоний кадрятларга содиқлик;
- Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоёиш қилиш;
- Ватанпарварлик.

«Маънавият ва маърифат инсоннинг руҳий қанотларидир. Уларнинг ҳар бири киши ички дунёсини ўстириб, парвозга яроқлик қилади». Президентимиз 1992 йилдаёқ «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир», - деб таъкидлаганлар эдилар¹⁰.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, **биринчидан**, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабаларини ҳам кўрсатиб берди. **Иккинчидан**, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий руҳиятини ўзгартирмасдан туриб,

⁹ Иброҳимов А. Ёруғлик. –Т.; 2006, 235-бет.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. – Т; «Ўзбекистон», 1993, 74-бет.

жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берилди.

3. «Маънавият асослари» курсининг методлари нималардан иборат? диалектик метод, қиёслаш ва таққослаш (кузатиш, тарихий ёндашиш, мантиқ) методлари, эмперик – социологик метод, умуммантикий метод (синтез, абстрактлаш, умумийлик), назарий метод, ахлоқий метод (айрим гуруҳ ёки шахс ҳуққини кузатиш), изоҳлаш методи, диагностика методи, ахборотлаш методи (фан ютуқларидан фойдаланиш)ларини ўз ичига олади.

Маънавият асослари фани категориялари (тушунчалари) нима? Шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, сахийлик, самимийлик, ҳайрихоҳлик, имонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шавқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар. Шахснинг миллат вакили сифатидаги мақомида: миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсулиятни, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар бўлса, шахснинг жамият вакили сифатидаги мақомида: мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини оширишда масъуллик, тамаддуни ютуқларини эгаллаш, жаҳон халқлари олдида турган умумбашарий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсоннинг табиатнинг бир бўлаги эканлиги, уни асрашда масъуллик ва бошқа бир қатор тушунчаларни киритиш мумкин.

Маънавиятнинг ривожланиши маълум қонуниятларига асосланади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни икки йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамият билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган «ўзаро таъсир» ва «ўзаро бойитиш» орқали бўладиган жарёнлар киради. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек, миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида юзага келади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жарёнда бир томон иккинчисига ниманидир беради ва ниманидир қабул қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

4. Юқорида маънавиятнинг жамият, шахс ва миллат ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилди. Аммо, уни реал ҳаётга қанчалик тадбиқ қилиш ё қилмаслик давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ. Бугунга келиб маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига муносабат тобора кучайиб бормоқда. Собиқ иттифокдош, бугунги мустақил давлатларнинг кўпчилигида бирида олдинроқ, иккинчисида кейинроқ маънавият омилининг роли ва аҳамиятини оширишга имконият даражасида эътибор берилмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг тарихан қисқа вақт ичида Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси асосида маълум тажрибиларни тўплашга эришганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Маънавиятни кўтариш давлат сиёсатида устувор соҳага кўтарилди ва у ўзининг ижобий натижаларини кўрсата бошлади.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳақида қуйидагиларни келтиради: «Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди¹¹.

Аслини олганда, ҳозирги кунда маънавиятнинг устувор соҳага кўтарилишининг бир қатор сабаблари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг тақдири, унда яшайдиган одамларнинг тафаккури, онги қай даражада ўсиши билан боғлиқдир. Уларнинг онги ва тафаккурини амалга оширмоқчи бўлган вазифалар моҳияти ва манфаати йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

2. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ совет мафкурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мафкурага қарши кураш бошланди. Бу ўз навбатида одамларнинг маънавиятига, шаклланган қадриятларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Айниқса, матбуотларда баъзи олимлар, биринчи навбатда иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур, маънавият эса ана шу иқтисодий тафаккур заминида юзага келади деган фикрларни илгари сура бошладилар. Оқибатда одамлар руҳиятида яна бир томонлама кетиш турмуш тарзи етакчи ўринни эгаллай бошлади.

3. Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган иқтисодий муаммолар олдида одамларнинг аксарият қисми довдираб қолди, кўпчилик ҳолларда ёшларнинг таълим олиш, касб ўрганиш, санъат ва бадий асарларга қизиқишдан кўра бозорга чиқиш, пул топишга интилиш хавфини юзага келтирди.

4. Собиқ иттифоқ шароитида фан, техника, маориф, олий таълим, бир қатор саноат корхоналарини вужудга келтириш ва ривожлантиришда кўпгина ютуқлар қўлга киритилган эди. Аммо, улар марказ манфаатларига хизмат қилган.

5. Маънавиятнинг давлат сиёсатида устувор бўлишига яна бир сабаб, миллат сон жиҳатидан каттами ёки кичикми бундан қатъий назар, уларнинг реал субъект, маълум моддий ва маънавий бойликларини яратувчиси, истеъмолчиси, бошқаларда учрамайдиган, ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ўзининг мустақил ўрнига эга бўлиши каби омилларни, яъни чинакам миллат сифатидаги мақомини тиклаш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилган эди.

¹¹ И.А.Каримов. ўша асар

6.Ўзбеклар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқдир. Унинг маънавият, фан, маданият соҳасидаги эришган ютуқлари жаҳон халқларига асрлар оша хизмат қилиб келмоқда.

7.Маънавият миллатни ва бутун мамлакат аҳолисини маълум мақсадлар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаоллаштирувчи, ёрқин келажакка ишонтирувчи, инсон зотини улуғловчи, унинг қадрини аниқлаб берадиган улкан механизм ҳамдир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг шахс, миллат, жамият ҳаётидаги ўрни нимада?
3. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
4. Ислом Каримов томонидан «маънавият» тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
6. Маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиш сабаблари нимада деб биласиз?

2-мавзу: Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.

Режа:

1. Қадимги халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликларида Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётининг ёритилиши.
2. Марказий Осиёдаги энг қадимги динлар ва уларда маънавият билан боғлиқ бўлган ғоялар.
3. Қадимги қўлёзма ва оғзаки ижод манбалари маънавият илдизлари ва уларни ўрганишнинг аҳамияти.

1.Марказий Осиё инсоният маданиятига бебеҳо дурдоналар бўлиб қўшилувчи осори атикаларни, турфа битикларни, унутилган қадимий ёзувларни тухфа этиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидай: «Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган. Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий халқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо – иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган».¹²

Марказий Осиё халқлари миллий маънавияти такомил босқичлари бу ўлка халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу саҳнда юз берувчи ҳодиса саналади.

¹² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан, - Т., «Ўзбекистон», 1996, 332-бет.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг, бу борадаги фикрини ўрганиб миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик тарихини уч йирик даврга ажратишади.

1. Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиёти.
2. Ислом минтақа маданияти такомилида миллий маънавиятимизнинг ўрни ва мавқеи.
3. Янги давр жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз такомили¹³.

Мазкур мавзуда Исломгача маънавиятимиз такомили, мазмуни ва моҳияти ҳақида фикр юритамиз. Исломгача бўлган миллий маънавиятимиз ва унинг такомиллашиши ҳақидаги энг муҳим манбалар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин: 1. Зардуштийликнинг «Авесто» китоби ва туркий битиклар (ёзувлар). 2. Қадим Шумер, Бобил, Ашшур, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва Эрон шаҳаншоҳларидан қолган тошбитиклар. 3. Археологик ёдгорликлар – моддий ашёлар ва турли иншоотлар. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналари, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар ва бошқалар.

Қадимшунослар (археологлар) масалага бироз ўзгача қарайдилар. Улар 1. тош асри 2. бронза асри 3. темир асри, деб ибтидоий жамоа ва қадимги дунёни уч босқичга бўлиб ўрганадилар. Биз яхлит олиб қараётган исломгача маънавиятимиз тараққиёти даври ушбу уч босқични қамраб, илк ўрта асрларга ҳам ўтади. Шунга кўра биз ҳам маънавий такомил нуқтаи назаридан биринчи катта даврни бир қатор босқичларга ажратиб чиқишни маъқул топдик.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони биринчи қисмида Чин ҳоконининг ўғли Фарҳод тилсимланган кўзгу сирини билиш қасдида Юнон юртига сафарга чиқади. Бу у аввал даҳшатли аждаҳони, сўнг зардуштий динидаги ёвузлик руҳи Ахриманни ва ниҳоят темир танли тилсимни енгиб ўтиб, донишманд Сукрот суҳбатига етишади. Сукрот энг баланд тоғ бағридаги ғордан жой олган эди. Навоий шуларни алоҳида таъкидлаб дейди:

Бу уч манзилдан ўтқарганга маҳмил.

Дейилган тоғ эрур тўрттинчи манзил.

Яъни, Фарҳод Сукротга етигунича уч манзилни босиб ўтган (Навоийнинг мажозий тасвирида биринчи манзилдаги аждаҳони - ибтидоий тош асри маънавиятида инсон табиатидаги ёввойилик тимсоли, иккинчи манзилдаги Ахриманни – бронза даври «Авесто» маданиятидаги асотир тафаккурга хос хурофотлар тимсоли, учинчи манзилдаги темир одамни – ўз номи билан темир даври – ҳарбий демократияга асосланган улкан империялар даврида олиб борилаётган аёвсиз қирғин урушлар ва шафқатсизлик тимсоли деб талқин қилиш мумкин). Шахзода Фарҳод тимсолида буюк турк элати аста-секин ўзининг ичидаги душманлари – ёввойилик.ю хурофот, шафқатсизлик хислатларини бир-бир енгиб ўтиб, маънавий камолот босқичларидан донишмандлик сари кўтарилиб борди. Булар – бадий адабиётдаги мажозий тимсоллар талқини¹⁴.

Каюмарс ҳақидаги миф ҳам «Авесто»га кирган. Мифологияга кўра Каюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: хўкиз ва одамдан ташкил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг хўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва хўкиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади, тананинг одам

¹³ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2001. 97-бет.

¹⁴ Ўша асар99-бет.

кисмидан эса эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган деб тасвирланади.

Йима (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвирланган.

«Алпомиш» достони ҳам узоқ давлатчилигимиз тарихини, буюк аждодларимиз жасоратини кўрсатадиган асар. Достондаги кўпгина тасвирлар, кўз илғамас ботиний нуқталар мустақиллик руҳи ҳамда талаб ва имконияти нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, янги-янги фикрларни, мулоҳазаларни англаб олишга имкон беради. Шу ўринда Президентимизнинг асарида «Алпомиш» достони ҳақидаги фикрларини келтирамиз.

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қахрамонлик кўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достони бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ баёти, десак, тўғри бўлади»¹⁵.

“Шу ўринда асардаги кичик бир мисолга мурожаат қилайлик. Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурига кўра, ўқ-ёй – ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан – бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани – ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ҳам ишонч ҳосил қиламиз»¹⁶.

Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-этиқодидек асраб-авайлаган, қанча авлод – аждодларимиз «Алпомиш» достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган.

Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қахрамонлик эпоси муҳим ўрин тутди. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарварлик ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

Тўмарис ва Широқ эпосларида ҳам Ўрта Осиё халқларининг эр.авв. VI асрда эрон аҳамонийлари шоҳи Кир ва Дорога қарши массагет ва сак қабилаларининг қахрамона курашлари акс этган.

2. «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардушт эр.авв. VII асрда Хоразмда дунёга келган. Зардушт 20 ёшидан бошлаб якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томонга йўл олади ва ўз ғояларини тарғиб этади. Бошқа бир маълумотларга қараганда Зардушт 39 ёшида пайғамбар даражасига етишади¹⁷.

Зардушт 20 йил Саблон тоғидаги ғорда мева, гиёҳ илдизлари, парранда гўштини тановул қилиб яшади: 12 йил якка тангри Аҳурамаздани кашф этиш учун тафаккур уммониға ғарқ бўлди, 12 Яздонни мадҳ этувчи гот-гимнлар яратди. Айрим тадқиқотчилар «Авесто» таркибига кирган «бир миллион шер» (Плиний) худди шу даврда ижод қилинган, деган хулосага келишган.

Йигирма йиллик риёзатдан сўнг кунлардан бир кун Ҳотифдан қўйидагича Ваҳий келади: «Эй Спитамон фарзанди. Мен ҳамма мўътабарлардан сени мўътабарроқ қилиб яратдим ва сени ўзимга меҳрибон қилдим. Халқ хузурига

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т., 2008, 32-33 бетлар.

¹⁶ Ўша асар...34-бет.

¹⁷ Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномага. –Т., 2007, 9-бет.

борадиган вақт етди. Тур, узлат манзилини тарк эт, замон аҳлини ростлик яхшилик ва ҳақиқат сари даъват этиш вақти келди!?» Ана шу вақтда Зардушт 39 ёшда эди¹⁸.

Халқимизнинг маънавий мероси ҳисобланган «Авесто» ҳақида Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутати. Мисол учун, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин»¹⁹.

Зардушт сариқ туя минган, деган маънони англатади. Авесто таълимотига кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади.

«Авесто»да инсон ахлоқ одоби, маънавияти қуйидаги учликда: Гумата – яхши фикр, Гугта – яхши сўз, Гваршта – яхши ишда идодаланади.

«Авесто»да ёшларнинг таълим-тарбия олишларига ҳам эътибор берилган. Жумладан, зардуштийлик дини, яъни якка Тангрига эътиқод расман қабул қилинган, ўлкамизда таълим-тарбияга эътибор кучайди. Ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадраса типидagi билим даргоҳлар ташкил қилинади. Таълим жараёнига энди математика, астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради; бунда ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилади²⁰.

Ҳар бир зардуштийнинг хулқи ҳалол, қўли тўғри, некбин бўлиб вояга етказилиши кўзда тутилган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб «Авесто»да тарбиячилар, муаллимлар, устоду мударрисларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта-қайта ўқтирилган²¹. Хулоса шуки, Авестода аجدодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси ўз аксини топган.

II –III асрларларига келиб Зардуштийлик ичида янги оқим - Монийлик таълимотининг юзага келиши ва кучайишига олиб келади. Ушбу оқимнинг асосчиси Моний (216-276 й.) бўлиб, у тарихий шахсдир. Унинг таълимоти ҳукмрон табақалар манфаатига зид бўлгани учун 276 йилда ваҳшийларча ўлдирилади. Унинг маънавий ахлоқий қарашлари «Сир ул асрор» (Сиру асрор китоби), «Китоб-ул-худо-вост-тадбир» (Раҳбарлик ва бошқарув китоби), «Шабуркан» ва бошқаларда баён этилган.

Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик таълимотига асосланган бўлиб, кенг халқ оммасининг манфаатига мос келар эди. Монийлик таълимотида дунё – зиё (ёруғлик) ва зулмат (қоронғулик)нинг абадий кураш майдонидан иборат, мана шу кураш майдонида инсоннинг асосий вазифаси ёвузликни йўқ қилиш учун яхшилик, эзгуликка қўмаклашишдан иборат деган маънавий-ахлоқий таълимот илгари сурилади.

¹⁸ Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шохномага. – Т., 2007, 8-9-бетлар.

¹⁹ Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. 31-32 бетлар.

²⁰ Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шохномага. – Т., 2007, 68-бет.

²¹ Ўша асар69-бет.

Моний ўз муридлари, издошларини дунёвий ишларда «сурбет» бўлмасликка ва дунёда кўп нарсаларга интилмасликка даъват қилади. Моний айтади: «Мен ўз умримда кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда ахлоқсизлик қилиб, манманликка берилиб юрдилар, аммо, охирида ғам-аламларга, тубанликка дучор бўлдилар».

Эрамизнинг V аср охири VI аср бошларида Эронда «маздакизм» деб аталган бошқа диний-фалсафий таълимот юзага келиб, у Марказий Осиёда кенг ёйилади. Маздакизм феодал муносабатларнинг ривожига ва у билан боғлиқ ҳолда халқ ахволининг оғирлашуви ва икки ўртада зиддиятлар ва курашнинг кучайиши оқибатида юзага келган.

Маздакизмнинг Монийлик таълимоти билан кўп ўхшаш томонлари бор. У Монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик – ноумидлик ғояларини дунёга умид билан қараш ғояларига алмаштиради.

Маздак Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган. Деҳқонлар қўзғолонига раҳбарлик қилгани учун 529 йилда Сосонийлар шоҳи Анушервон томонидан қатл этилган. Маздак феодал мол-мулкни умумийлаштиришни, феодаллар ҳукмронлигини йўқотишни талаб этади.

Маздакнинг фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасида зикналик, ўғирлик, ёмонлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман фалокат ва бахтсизликлар каби иллатларни келтириб чиқаради. Шу боисдан бундай ёвузликларни келтириб чиқарувчи асосни ўзини тугатиш керак, деб ҳисоблайди. Камбағаллар ҳам мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга, шунинг учун бой-бадавлат кишилар мол-мулкнинг бир қисмини улар ўртасида тақсимлаб бериш одилona иш бўлади деган ғоя илгари сурилади.

Маздакизм маънавий-ахлоқий таълимотида ҳам худди Зардуштийлик таълимотидаги каби ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилиш, уриш ман этилади. Хулоса шуки, Монийлик ва маздакизм Марказий Осиё халқлари маънавий юксалишида, айниқса, уларнинг адолатсизлик, зулм, зўрлик, шафқатсизликка қарши курашига ўз таъсирини ўтказган.

Ёзма ёдгорликларда суғдлар ҳақидаги хабарлар мил.авв. VI асрдан бошланади. Аввало Қадимги Эрон аҳомонийлар салтанати подшоларидан Кир, Доро ва бошқалар қолдирган қоя тошлардаги хотира битикларида суғдлар ва уларнинг мамлакати Суғд номи билан қайд этилган. Кўп ўтмай милоддан аввалги VI-IV асрлардан бошлаб Қадимги юнонлар ўз асарларида суғдлар ҳақида кўп қимматли маълумотлар қолдиришган. Қолаверса, шаклланиш тарихи узоқ қадимиятга бориб тақалувчи Авесто китобида («Вендидат» наски) Улуғ илоҳ Ахура Мазда яратган эзгу диёрлардан бири Гава, бу юртда суғдлар яшайди деб ёзилган²².

Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё воҳалари, Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Панч вилоятида қадимда Суғд мамлакати дейилган. Тарихчиларнинг фараз қилишларича, бу ўлкада суғдлар номи билан маълум халқ мил.авв. XII-XI асрларда уюша бошлаган.

Суғдлар ўлкамиз қадимий маънавий ҳаётида ҳам фаол қатнашиб келишган. Улардан қолган ёзма ёдгорликларнинг миқдори кўп. Тангалардаги ёзувлар, сопол парчаларида, метал буюмларда, шахсий ёзишмалар ва бошқалар етиб келган. Булардан ташқари, суғдлар ўлкамизда қадимий битикларнинг тилга кириши ва китобат маданиятини ривожлантиришда ҳам катта улуш қўшган.

²² Қаюмов А., Исоқов М. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., 2000, 34-бет.

Суғд ёзма ёдгорликларининг бугунги кунда муҳимлиги шундаки, улар X-XI асрлардаёқ суғд халқининг туркий ва эронизабон тожик халқи таркибига сингиб кета бошлаши туфайли, уларнинг тили ҳам йўқола бошлаб, оқибатда, унутнилган ва «ўлик тил»га айланган. Ниҳоят, XIX асрнинг сўнгги чораги – XX асрнинг бошларида Марказий Осиё минтақасида кенг тус олган археологик ва бошқа йўналишлардаги қидирув, тадқиқот ишлари туфайли суғдларнинг ёзма ёдгорликлари ҳам топила бошлади. Ҳатто, дастлаб бу ёдгорликларнинг қайси тилда эканлигини билиш қийин ҳам бўлди. Кейинроқ, 1904 йили Берунийнинг «Осорул боқия...» асаридаги суғд календар атамалари билан ўша номаълум тил матнлардаги атамалар бир эканлиги уларнинг тили суғдча деган фикрга асос бўлди.

Суғд ёзма ёдгорликлари орасида буддавий китобат ва адабиётларнинг салмоғи жуда катта. Хусусан, суғдлар орасида будда дининг энг асосий ақидалари, ахлоққа оид рисоалари кенг ёйилган бўлиб, уларда исломга қадар аجدодларимизнинг эътиқодлари, ишонч, умид ва орзулари, эзгуликни улуғлаш ва қабохатни қоралаш ибратлари акс этган, фалсафий - ахлоқий мушоҳадалари ифода топган. Шундай асарлардан бири «Қилмишларимизнинг сабаблари ва оқибатлари сутраси» номли матн ахлоқий-фалсафий рисола сифатида алоҳида диққатга сазовордир²³.

Ушбу сутранинг етакчи ғосини Будда таълимотининг ахлоқий асосларини содда ва таъсирчан баён этиш, онглари яхшилик, эзгу амаллар томон йўналтириш, солиҳ тарбия масалаларини ташкил этади. Энг муҳими, инсон ўз маънавий поклиги, дину эътиқодда ҳалол ва содиқлиги, самимий ихлоси билан такомил йўлидан яшашидир.

Суғдлар, шундай қилиб Ўзбекистонимизнинг қадимий даври тарихининг ажралмас тарихини яратган халқдир.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун-Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари V-VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган матнлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви деб ҳам деб юритилади. Рун ёзуви – «яширин», «сирли» ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Кул-Тагин Билка-қоон (улуғ хоқон демакдир)нинг укаси бўлиб 732 йили вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тагин қабр тошида Билка-қооннинг тилидан айтилган жудолик қайғуси марсияси бадий тил воситасида ифодаланган. У ўз укасининг вафотидан жуда қайғуга тушади. Чунончи, агар Кул-Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул-Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим, кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисматни кўк само (худо) тақсим қилади, одам боласи ўлиш учун туғилган... каби сўзлар ёзилган.

Кул-Тагин қабр тоши ёзуви турк хоқонлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили, маънавияти ва мафкураси билан таништирувчи манбадир.

Марказий Осиёда маънавият билан маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка турли халқларининг ёзувини кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий, грек

²³ Ўша асар.....36-37 бетлар.

ёзувлари, форсий миххат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, суғд, кушон, рун (Ўрхун-Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Қадим Ўрта Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган суғд календари ва Беруний асарларидаги маълумотлар бу ўлкада, айниқса, астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган бундай халқ оғзаки ижоди намуналари миллий мафкурамиз озикланадиган манбалардир²⁴.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган, деган хулоса чиқара оламиз. Биз ёш авлод бу билан фахрланишимиз ва уларни ўз маънавиятимизнинг асосий қисмига айлантирмоғимиз лозим бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўрта Осиё халқларининг қандай афсона, ривоят, ва дostonларини биласиз?
2. «Алпомиш» дostonи ҳақида нималарни биласиз?
3. «Авестода» инсон ахлоқи, одоби, маънавиятини ифодаловчи қандай таянч ғояларни изоҳланг?
4. Моний ва Маздак таълимотларидаги маънавият масаларини изоҳланг?
5. Суғд ёзма ёдгорликларидан нималарни биласиз?
6. Қадимий туркий тилда ёзилган қандай ёзма ёдгорликларни биласиз?

3-Мавзу: Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида маънавият.

Режа:

1. Амир Темурнинг буюк давлат арбоби, юксак маънавият соҳиби эканлиги.
2. «Темур тузуклари»да маънавият масалалари.
3. Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган моддий ва маънавий мерос.

Амир Темур – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртни, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон.

Амир Темур (1336-1405) замонида ёзилган асарларни қунт билан ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилиқ, мурувватлиқ, эл-юртга меҳр-муҳаббат ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин.

Амир Темурда ватанни севиш, халқини улуғлаш, фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий маънавий фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшоҳнинг «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насиҳатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади.

²⁴ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000, 47-бет.

Амир Темурнинг хислатларларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг қатъий қарор қабул эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида Мовароуннаҳр ва Хоразмдан ташқари, Олтин Ўрдани, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Туркия, шунингдек, бутун Ғарб – Мағрибни ўз ичига олган подшоҳликка оид ишлар ҳақида гап борарди²⁵.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича Амир Темур томонидан бунёд этилган Боилакон шаҳрида ҳижрий 806/ 1380 йилда чакирилган қурилтойи ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир. Кенгашда Темур нутқ сўзлаган. У ўз нутқида бундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан»²⁶.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди»²⁷.

Амир Темур умуман бадиий адабиётга, хусусан поэзияга доимо қизиққан ва диққат бериб ундан баҳраманд ҳам бўлган.²⁸

Алишер Навоий Темур ҳақида бундай деб ёзган эди: «Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтғонча бор. Табаррук ҳайсиятитанким, ул ҳазратнинг муборақ исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қилилур»²⁹.

Маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярим ва XV асрнинг биринчи яримида Самрақанд, Ҳирот, Балхда турк-ўзбек адабиётининг машҳур арбоблари, шунингдек, форс-тожик тилида ҳам шеърлар ёзиб машҳур бўлган Атоий, Саккокий, Лутфий каби шоирлар яшаб ижод этадилар. Алишер Навоий ўз даврида бу шоирлар номини ҳурмат билан тилга олади, уларни ардоқлаб қуйлайди, улуғлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Алишер Навоий сўзича, Темурнинг подшоҳлик давридан эътиборан туркий адабиёт кенг тараққий эта бошлайди.³⁰

Алишер Навоийнинг фикрини давом эттириб венгер тарихчиси Ҳерман Вамбери шундай ёзади: «Ўрта Осиёда асл турклик даври Темурдан бошланади. Чунки хоразмшоҳлар ва салжуқийлар, гарчи маишат тарзи жиҳатдан турк бўлсалар-да, улар ғарбий ислом, эрон маданиятига мухлис эдилар, турк миллатининг ривожини учун жуда кам иш қилардилар. Ҳозирги Эрондаги – қожар

²⁵ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1969, 13-бет.

²⁶ Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. 288-бет; Мўминов И...14-бет.

²⁷ Маънавият юлдузлари. –Т., 1999, 148-бет.

²⁸ Мўминов И. ...15-бет.

²⁹ Алишер Навоий. Асарлар, 12 –том, - Т., 1967, 169-бет.

³⁰ Мўминов И....15-бет.

(хожар) хонадони ҳам шундайдир. Темур ўз туркларининг мўғул-хитой дунёсининг устидан ғалабасини мужассам этди. У доимо ва ҳар жиҳатдан туркларга биринчилиқни таъминлашга жаҳд этди. Унинг саройи ажнабий уламолар ва ҳунармандлар билан тўла этса-да мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган «Тузикот» фикримизни исбот этадир».³¹

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёс. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги Ота мақбаралари, Оқсарой ва Шохизинда меъморий мўъжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, «олам равнақи ва рўшнолиги йўлида ҳавфсаласи ниҳоятда баланд бўлган Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирор қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».³²

Амир Темур ҳар бир муваффақиятини, ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Масалан, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қилдирди. Темур ғалабалари ва бахтининг илк даврида Кеш шаҳрига катта аҳамият бериб, унинг Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантирган эди. Шу боис бу шаҳар «Куббатул илм вал адаб» унвонига эга бўлган эди. Темур ўзининг пойтахтини ҳам шу ерда қуришни ният қилиб, гўзал Оқсаройни бино эттирган эди. Ўн икки йилдан ортиқроқ қурилган бу сарой Эрон меъморлари томонидан бино қилинган бўлиб, ғарбий ислом услубида яъни, иморат пештоқиға доира ва қуёш аломатини тасвирлаганлар. Темурнинг аломат белгиси уч халқадан иборат бўлиб, шиори «Русти – рости» яъни, «Куч – адолатда» маъносини билдиради.³³

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳрда мўғулларнинг қарийб 140 йиллик ҳукмронлик даврида, яъни 1220-1360 йиллар бирорта ҳам кўзга кўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаган. Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи муҳим мудофаа деворлари билан ўралган.³⁴ Бу тарихий факт Шарофуддин Али Яздийнинг асарида ҳам, Испания - Кастилиянинг Темур саройидаги машҳур элчиси Рюи Гонзалес де Клавихоининг кундалиқ дафтарларида ҳам айниқса яққол ифода этилган.

Клавихо Самарқандда 1403-1404 йилларда бўлган. Унинг ёзишича, Самарқанд шаҳрида ҳар йили кўплаб турли хил мол-товарлар сотилаган. Бу моллар Хитой Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан ҳамда бой Самарқанд подшолигининг ўзидан ҳам олиб келинар эди.³⁵ Шундан сўнг Клавихо бундай деб ёзади: «Унда (Самарқандда) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмаганлиги сабабли подшоҳ шаҳар бўйлаб катта кўча

³¹ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990, 55-56 –бетлар.

³² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000, 191-бет.

³³ Вамбери Х.52-53 бетлар.

³⁴ Маънавият юлдузлари. –Т., 1999, 148-бет.

³⁵ Мўминов И. ...16-бет.

(раста) чиқаришни, унинг икки томонидан эса мол сотиш учун дўконлар куришни буюрди»³⁶.

XIV аср охридан бошлаб Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг бош марказига айланганини, санъатда янги йўналиш пайдо бўлганлигини айтадилар. Буни ҳаттоки Темур замондошлари ҳам тан олишган: масалан, Ибн Арабшоҳ Темурнинг шаҳар ташқарисидаги саройлари ҳақида ҳикоя қилиб, улар «Янги услубда»³⁷ қурилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур умр бўйи бунёдкорлик ишлари билан ҳам машғул бўлган.

2. Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари «Темур тузуклари»да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами – раиятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга мунсабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун қоидалар ўз ифодасини топган.

«Темур тузуклари» ҳақида Президентимиз қуйидаги фикларни билдирганлар: Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга тарор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озик бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, табиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамига аён³⁸.

Ҳерман Вамбери «Темур тузуклари»га шундай изоҳ беради: тузук сўзининг асли эски туркчадаги тутсуқ (арабча низом) маъносидадир: бу сўзга арабча кўплик қўшимчасини қўшиб, «тузукот» ясалган. Олим яна бир изоҳида «Темур тузуклари»нинг асл чиғатойча нусхаси Яман волийси Жаъфарнинг китобхонасида сақланишини айтади³⁹.

«Темур тузуклари» ҳақида Оврўпа олимларининг қуйидаги фиклари ҳам қатта аҳамиятга эга. Немис олими Ф.Шлоссер ўзининг «Жаҳон тарихи» (III том) асарида: «Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади», - деб ёзса, атоқли немис тарихшуноси М.Вебер: «Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм, лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди», - деб таърифлайди. Шунингдек, «Тузуки Темур» - «Темур тузуклари»да ҳам Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарashi, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида гап боради.

«Темур тузуклари»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: «Темур хон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг

³⁶ Мўминов И. ...17-бет.

³⁷ Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века, - М., 1965, 309-бет

³⁸ Каримов И.А.45-бет.

³⁹ Вамбери Х.7-бет.

урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ – биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди»⁴⁰.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли хислатлари намоён бўлган. Буни бошқалардан ҳам талаб қилган. Кечиримли бўлиш инсон учун энг яхши фазилят саналади:

«Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўрқув бўлса, унунт бўларди».

«Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим».

«Темур тузуклари»да давлат ишларини ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борилганлиги бир неча бор таъкидланади.

«Салтанатим мартабасини, - деб таъкидлайди Амир Темур, - қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди», ёки «Ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим. Яна бир тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд қасу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиксиз тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини Ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим»⁴¹. Амир Темурнинг дўстлик ҳақидаги панду-насиҳатлари биз учун ҳам насихатдир.

«Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаydi, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди».

«Темур тузуклари»да инсоннинг Ватанга, эл-юртига бўлган муҳаббати ҳақидаги фиклари ҳам ўз аксини топган.

«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин». Бу жумлаларда Амир Темур маънавияти жамул-жам бўлган бўлса не ажаб⁴².

3. Юртимизда мустақиллик йилларидан бошлаб қадриятларимизнинг тикланиши билан илм-фан соҳасида фаолият кўрсатган кўпгина алломаларнинг юбилейлари ўтказилди. Шундай алломалардан бири Мирзо Улуғбекнинг (1394-1449) 600 йиллиги 1994 йилда ЮНЕСКО томонидан нишонланган эди.

⁴⁰ Маънавият юлдузлари....146-147- бетлар.

⁴¹ Темур тузуклари. –Т., «Ғафур Ғулом», 1991, 53-54 бетлар.

⁴² Маънавият асослари. –Т., 2002, 122-бет.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтолмаймиз. Мирзо Улуғбек астрономия соҳасида буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади⁴³.

Президентимиз И. Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида Мирзо Улуғбек ҳақида шундай фикрларни билдиради: «Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта маъсулятли вазифа айнан Улуғбекка насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукумдори сифатида халқнинг азалий орзуси - тинчлик, тотувлик, илм - фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди»⁴⁴.

Мирзо Улуғбек темурийзодалар ичида фан ва маданият тараққиётига энг кўп ва салмоқли ҳисса қўшган ҳукмдордир. У Самарқандда биринчи фалакиётшунослик академиясига асос солган сиймо сифатида дунёга ном таратади. Бу ҳақдаги француз ёзувчиси Вольтер (1694-1778) сўзларини эслаймиз: «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер қуррасини ўлчашни буюрди ва фалакиётшунослик жадвалларини тузишда иштирок этди».

Ўз даврининг етук олимларидан Ғиёсиддин Коший Мовароуннаҳрнинг илм фан марказларидан бирига айланганлиги тўғрисида отасига ёзган мактубида қуйидагиларни келтиради: «Ҳозир Самарқандда энг машҳур олимлар ва ҳамма фанларни ўргатувчи муддарислар йиғилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги математиклардир. Шунингдек, бу ерда кўпгина астраномлар ҳам йиғилишган»⁴⁵.

Улуғбек ҳам худди бобоси Амир Темур каби бинокорлик ишларини давом эттирган. Лекин унинг йўналиши бошқача бўлиб, Улуғбек, кўпроқ маданий ва илмий муассасалар қуриш билан шуғулланган. Масалан у Бухорода, Ғиждувонда, Самарқандда мадрасалар солиб илм-фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Бу мадрасалар орасида Улуғбек қурдирган Бухородаги мадраса (1417) энг биринчиси ҳисобланади. Бу мадрасада Абдуллахон II даврида катта таъмир ишлари олиб борилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар қилишича, Улуғбек (1419 й. 28 ноябрда) мадрасага келиб илм оловчи талабаларга инъомлар улашган. Бизгача Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси анча ўзгарган ҳолда етиб келган.

Дарвоза табақаларига Қуръондан олинган оят — «Талаб ул - илма фаризатун ало кулли муслимин ва муслиматун», яъни (Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир) деган иборалар ўйиб ёзилган.

Фан, адабиёт ва санъатнинг машҳур намоёндаларидан бўлган «Зубда ут-таворих» асарининг муаллифи Ҳофиз Абру, «Юсуф ва Зулайҳо» достонинг муаллифи Дурбек, қасидалар жанрини яратган шоирлардан бири Саккокий,

⁴³ Каримов И.А. Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти. Халқаро конференция материаллари. “Ўзбекистон”, 2014, 13-бет.

⁴⁴ Каримов И.А.46-бет.

⁴⁵ Юсупова Д. Письмо Гийас ад-Дина. Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан // Из истории науки эпохи Улугбека. – Т. Фан, 1979, с. 46

Лутфий ва бошқа кўпгина фан ва маданият арбоблари Улуғбек даврида яшаган ва ижод қилганлар.

Улуғбекнинг астрономия илмида қилган кашфиётлари ҳақида шунини айтиш керакки, Самарқанд астрономия мактаби ва атоқли олимнинг оламшумул ихтиролари заминида Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё халқларининг зўр илмий ва маданий мероси ётади. «Ҳар қандай тарихий шахснинг жаҳон майдонида пайдо бўлиши – дейди академик Т.Н.Қориниёзий, – ҳеч вақт тасодифий бўлмай, балки унинг ижоди маълум мерос ва маълум замин асосида вужудга келади. Шунинг каби, Улуғбек ижодининг замини ҳам, табиий, тасодифий эмас»⁴⁶. Улуғбек ва унинг сафдошлари ана шу бой меросга таяниб иш тутдилар.

Темурийлар сулоласи даврида маънавият ва маърифат ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Алишер Навоий (1441-1501) ҳисобланади. Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди.

Президентимизнинг таъбири билан айтганда: **«Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир»⁴⁷.**

У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яртади. «Чор девон», «Хамса», «Муҳокаматул-луғатайн», «Мажолисун-нафис», «Лисонут-тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий ўз асарларида золи, мустабид, нодон, маишатпараст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, халқпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг демагил одами,

Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Мазкур байт Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янглишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни қўйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, муруват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: «Шоҳи ғарибон», яъни ғариблар, ёлғизлар, фақирлар шоҳи.

Навоий саховат ва муруватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келагн даромадларини тўлалигича ҳайрия ишларига сарфлаган. Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб тамонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева – бечораларни текин овқат билан таъминлаган. Муҳтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган. Бундан ташқари канал қаздириб, Машҳад шаҳрига сув келтирган.

Навоийнинг бундан қарийб 550 йил аввал илгари сурган ғоялари асрлар оша аҳамиятини, ҳаётийлигини йўқотгани йўқ.

⁴⁶ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека // Избр. труды: В 8 т. Т. 6. -Ташкент: Фан, 1967. с. 94.

⁴⁷ Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. –Т., 2008, 47-бет.

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик дўлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» (Баён этилган), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бизга маълумки, Бобур 1526 йилда Ҳиндистонда ўзининг ҳукмронлигини ўрнатади ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини яратади. Европа тарихчилигида «Буюк мўғуллар» номи билан машҳур бўлган, аслида «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 332 ҳукмронлик қилди.

Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади – 1530 йил декабр ойида Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бироқ қисқа вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигида Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, меъморчиликга тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди».

Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми – XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни, иккинчи қисми – XV асрнинг охири ва – XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми – XVI асрнинг биринчи чораги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. Шунинг билан бирга асарда ўз юрти Фарғона унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида нодир маълумотлар келтирилган.

«Бобурнома» - Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини акс эттириш билан бирга, халқлари, қабила, элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари – ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни қамраб олган шоҳ асардир.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж уриб турган:

Толёй йўқки жонимга балолуз бўлди,

*Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерини қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин не юз қаролиғ бўлди.*

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маънавияти цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темурунинг хизматлари бекиёс ва беназирдир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Амир Темурунинг юксак маънавият эгаси эканлиги изоҳланг.
2. «Темур тузуклари» қандай асар?
3. «Темур тузуклари» асаридаги адолат, тўғрилиқ, ҳалоллик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик тўғрисидаги фиклардан мисоллар келтиринг.
4. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
5. Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган олимлардан кимларни биласиз?
6. Алишер Навоий маънавият ва маърифатни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшган?
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобурунинг «Бобурунома» асари ҳақида нималарни биласиз?

4- Мавзу: Жаҳидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг халқ маънавиятини юксалтиришдаги тутган ўрни. Мустамлакачилик ва қарамлик йилларида маънавият

Режа:

1. Жаҳидчилик ҳаракатининг мазмуни ва унинг умумхалқ маънавиятини кўтаришдаги роли.
2. Жаҳидларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдири.
3. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият

Жаҳидчилик (арабча «жаҳид» - янги) – янгилаш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жаҳидчилик XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон

ўлкаларида (Крим, Кавказ, Волгабўйи, - Булғор ва Жануби Ўрол ҳавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия муҳитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг мафкураси – Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий, мутараққий йўлга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш эди. Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1920 йилларда «Туркистон мухторияти», Бухоро ва Хоразм халқ республикалари даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлса-да амалга оширилди⁴⁸.

Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган⁴⁹.

Жадидлар нафақат Ватанга ва миллий қадриятларга муносабати билан, айти пайтда, умуминсоний тараққиёт ютуқларини тушунишда ҳам тарихий намуна бўлишлари мумкин. Бу ҳақда Бехбудий шундай деганди: «Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир»⁵⁰.

Профессор Н.Каримов фикрича, Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг бошланиши масаласида яқин вақтларга қадар тарихчи ва адабиётшунос олимлар даврасида яқдиллик бўлган. Улар жадидчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда юз берган инқилобий ҳаракатлар таъсирида майдонга келгани ҳақида ягона фикрда бўлганлар. Аммо кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фикрлар ўртага ташланмоқда⁵¹.

Шуларга асосланиб айтиш мумкинки, Туркистонда жадидчилик ғоялари ва ҳаракатининг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий замини XIX асрнинг охириги чорагида етилиб бўлганди⁵².

Туркистон маърифатчиликлари мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурӣ, Ашурали Зоҳирӣ, Саидрасул Саидазизӣ ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан ҳолос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар.

Бухоро жадидчилиги тарихида Аҳмад Донишнинг (1827-1897) ўрни бекиёслигини С.Айний алоҳида кўрсатиб ўтади. 1857, 1869 ва 1874 йилларда уч

⁴⁸ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т, 1998, 57-бет.

⁴⁹ Жадидчилик ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т, 1999, 35-бет.

⁵⁰ Жадидчилик....38-бет.

⁵¹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши / «Жадидчилик...». 23-бет.

⁵² Яхшиликков Ж., Убайдуллаева Н. Жадидчилик ва Бехбудий. –Т.: «Фан», 2004, 15-бет.

марта элчилар таркибида Петербургда бўлиб, Оврўпа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиш туфайли у Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш фикрини олға суради. Бу эса Амир Музаффарнинг (1860-1885) норозилигига сабаб бўлади ва Аҳмад Донишни Ғузорга қози қилиб жўнатадилар. Донишнинг фикрига кўра «... давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжини қондириш учун эмас, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур...».

Туркистонда жади́дчи́лик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқирози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний қадрятлардан баҳраманд бўлмай маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди.

Жади́дчи́лик ҳаракатидаги маънавият қўйидагиларда яққол намоён бўлади: **биринчидан**, улар озодликка мустақилликка қон тўкишларга олиб келувчи турли тўполон, қирғин-барот урушлар билан эмас, балки аҳолининг саводини чиқариш, уларнинг маърифатини кўтариш орқали қарамликнинг келиб чиқиши, унинг миллат тақдиридаги оқибатларини тушуниб етиш даражасига кўтариш орқали эришишни;

Иккинчидан, миллий онгни ривожлантириш, миллий бирликни таъминлашнинг асосий омили эканлигини, миллий бирликнинг вужудга келиши эса уни тараққиётга олиб боровчи асосий омили эканлиги ғоясида;

Учинчидан жади́дчи́лик ҳаракати намоёндалари фақат ўз ғояларини илгани суриш, уни ташвиқот қилиш доирасида чекланиб қолмасдан, улар аҳолининг умумий саводхонлигини кўтариш борасида кўпгина ишларни ҳам амалга оширдилар. Улар ўзларининг маблағлари ҳисобига мактаблар очдилар, газета, китобларни босмадан чиқардилар. Бу ҳаракатларнинг заминида чинаккам маънавият туради. Чунки улар урушларга, жоҳиликка ва қарама-қаршиликларни авж олдиришга эмас, балки юксак маънавиятга ва сиёсий онгликка эришиш орқали озодлик ва тараққиётга эришиш мумкинлиги учун фаолият кўрсатганлар. Ана шу жиҳатлари билан жади́дчи́лик ҳаракати миллий маънавиятимиз ривожига ўзига хос ўринга эгадир.

2. Жади́ди́лик ғояларини унинг ёрқин вакилларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Файзулла Хўжаев ва бошқалар ғоят оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг қадр қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жади́длар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур.

Бу ҳақда Президентимизнинг қўйидаги фикрларини аҳамиятли: «чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жади́д боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Иброт, Абдурауф

Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди»⁵³.

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намояндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир (1879-1919).

Бехбудий Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Бехбудийнинг отаси ўз даврида фикҳ соҳаси бўйича йирик мутахассис ва ислом ҳуқуқшунослиги масалаларига оид бир қатор асарларнинг муаллифи сифатида ҳам танилган эди⁵⁴.

Бехбудий ёшлигидан илм-фанга қизиқади, ҳисоб, ҳуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади. У ҳаж зиёратини адо этиб, Макка ва Мадинага боради. Миср ва Туркия шаҳарларида бўлади. Петербург, Минск, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлиб янги давр маданияти билан яқиндан танишади.

Бехбудий, болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўртага ташлади: у қуйидаги уч ғояни илгари сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш; 2) миллат тақдири ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий бикиқликдан чиқиб, дунё миқёсида фиклай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш.

Бехбудий маърифатнинг озодликка олиб боришдаги ролини яхши тушунди. У шундай ёзади: «Маориф бўлимида ишлайтурғон мусулмонларнинг бошини силангиз... ўртадан ниқобни кўтарингиз, Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар».

Бехбудий тарих фанинг аҳамияти ҳақида гапириб, инсоннинг камол топишида ва жамиятни бошқаришда унинг ўрни беқиёслигини таъкидлайди. Мукаммал, одил инсон бўлиб етишиш, дину дунёдан бохабар бўлиш учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқимоқ ва билмоқ керак. – дейди. Чунки ҳар нимарса ва ишнинг асли ва насли тарихдан билинур⁵⁵.

Бехбудий эрксеварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари учун таъқиб остига олинди. Бехбудий миллатнинг равнақи ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур»

Жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларида яна бири Мунавварқори Абдурашид ўғли (1878-1921). У Тошкентда туғилган. Мунавварқори ҳам бошқа жадидчилар каби Ватан равнақи ва миллат тараққиётининг асосий омили деб халқни саводли ва маърифатли қилишни тушунади. У ана шу фикрдан келиб чиқиб, Тошкентда 1901 йилда янги услубдаги мактабни очади, унга раҳбарлик қилиб, мусулмон болаларни ўқитади. Ўз замонаси учун мақбул бўлган «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Ер юзи» каби дарсликлар ёзади. У кўпроқ етимларни, бева-бечораларнинг болаларини ўқитишга аҳамият беради.

⁵³ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008, 49-бет.

⁵⁴ Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа ва унинг тарихий тафаккури. – Т., 1999, 6-7 бетлар.

⁵⁵ Алимова Д., Рашидова Д...47-бет.

Мунавварқори таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилмай, халқнинг онгини оширмай, маданий савиясини кўтармай жамиятда катта ўзгаришлар қилиш асло мумкин эмаслигини тушуниб етади.

Жадидларнинг дастлаб, маърифатпарварлик йўналишида бошланиб, тобора сиёсий тус олиб борган фаолиятларида Туркистон халқларининг умуммиллий ҳуқуқлари учун кураш масалалари тобора аниқ намоён бўлиб, пировардда, олий мақсадга айланди.

Мунавварқори бу ҳақда қамоқхонада ёзган «Хотираларим» асарида шундай дейди: «Бизларнинг дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисобланаётган катта ер эгалари ва савдогарларнинг жуда озгина гуруҳи ҳисобга олинмаса, бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма тенг эди».

Мунавварқорининг миллат тарққиёти учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ Шўролар ҳукумати уни таъқиб остига олди. 1931 йил 25 апрелда эса отиб ташланди.

Миллий уйғонишга чорловчи ғояларни илгари сурган жадид ҳаракатининг яна бир йирик вакили Абдулла Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инқирозда бўлишини танқид қилди, барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданий ютуқларни эгаллашга чақирди. Абдулла Авлонийнинг «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидир» деган ғояси маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракатининг дастурини ташкил этади. У маърифатпарвар сафдошлари сингари мазлум Туркистон аҳлини илм-маърифат зиёсидан баҳраманд қилишда унитилмас хизматлар кўрсатди. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида маърифат, илм-фаннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни баён қилган. Алломанинг ғояларини ўрганиш – бугун ўзлигимизга қайтиш жараёни кечаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади. Авлонийнинг яна илм-маърифат ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатларимизни ойна каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳномолик қилиб, дунё ва охирада масъул бўлишимизга сабаб бўлур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чақирур. Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни орттирур...

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охирагимиз илмга боғлиқдур»

Жадидчилар умуммиллий маърифатни кўтариш, миллий онгни ривожлантириш, миллий бирликка эришиш ва уларни амалга ошириш орқали миллий мустақилликка эришиш, жаҳон маданиятини эгаллаш каби ғоялари билан миллий маънавиятимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

3. Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истлочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларида бири бўлиб ҳисобланади.

Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: «Ҳоконим, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у

ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди». Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Илм-фан ва маданият, маънавиятнинг энг ривожланган марказларидан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва куллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришни мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳаза ва хулосалар бериш топшириғи билан чор ҳукумати кўпчилик олимлар ва бошқа соҳа кишиларини Россиядан Туркистонга юборди.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий кадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашдан манфаатдор эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», - деб «башорат» қилган эди. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан бебабар, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди. Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкалардаги гумашталари «ярим подшо» Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкентдаги буюк асори-атиқаларни, масжиду-мадрасаларни, арклару тарихий-маданий ёдгорликларни тўпга тутиб ер билан яксон қилдилар. Ахир қандай қилиб қўл остидаги мазлум халқлар маданияти, маънавияти, маърифати, тарихи босқинчи-жаллодларникидан баланд бўлиши керак? Бунга улар тоқат қила олмас эди.

Уларнинг усули йўқ қилиш, маданиятни, тил ва тарихни, Туркистон халқлари шу жумладан ўзбек халқи ғурурланадиган, ифтихор қиладиган нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини, таг-туғи билан аямай яксон қилиш эди. Президентимиз таъкидлаганидек, «...Тарих – халқ маънавиятининг асосидир»⁵⁶.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг Туркистон халқларига нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсати бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий

⁵⁶ И.А.Каримов. Тарихий хотрасиз келажак йўқ. – Т., 1997, 4-бет.

тараққиедини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий кадрларни ерга уриш, камситиш, миллий ғурурларини, маънавиятини поймол этиш, қўрқувда ушлашдан иборат эди.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига «шахсга сиғиниш» балоси рўбарў бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида таъкидлаганидек: «...Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борица йироқ сақланарди»⁵⁷.

Ҳатто, тарихан шаклланган ўзбек атамасига урғу беришга зимдан рухсат берилмади. Унинг ўрнига «совет граждани», «совет халқи» сингари умумлашма атамаларни ишлатишга мажбур этилди. Бунга айниқса, тарих фанида алоҳида аҳамият берилиб, қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёзишда ўзбек сўзи деярли ишлатилмади⁵⁸.

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий юксалишига кўмаклашадиган муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Накшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асрлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди. Қарамлик ва мўтелик йилларида содир бўлган бу дахшатли воқеа ва ҳодисалар ўзбек халқининг миллий маънавияти муайян даражада таназзулга учрашига сабаб бўлди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ таъқиб остига олинди. Хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми – зиёлийларга, маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу катағонлик хатти-ҳаракати ўтган етмиш йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Лекин марказ империяга тафаккур мантиғидан келиб чиқиб, мактаблар ишини «социалистик янгилаш» йўлини қатъият билан ўтказишда давом этди. Бундан маҳаллий халқларнинг узок давр мобайнида қарор топиб келган турмуш тарзи, уларнинг миллий фикрлаш хусусиятлари ҳисобга олинмади.

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда, ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин-кетин қамалди, сургун қилинди.

Дахшатлиси шу бўлдики, ислом динини «фош этиш» мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин-устин қилинди.

Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши мурасасиз кураш ниқоби остида ўрта аср меъморчилигининг такрорланмас намунаси бўлган, миллий нақшлар билан жиловланиб турган минглаб масжидлар, юзлаб мадрасалар, халқимизнинг миллий ғурури ҳисобланган муҳташам қасрлар, тарихий обидалар, хонлар, амирларнинг саройлари ваҳшийлик ва ёвузлик билан бузиб ташланиб, омборхоналарга, пахта куритадиган жойларга айлантирилди. Бу каби хунук ишлар «феодал ўтмиш, эскилик сарқитларидан тозалаш» деган қизил сўзлар билан ниқобланди.

Бугунги кунда ўзбеклар ўтмиш тарихи, буюк олиму фозиллари, давлат арбобларию дин пешволари билан ғурурлашиш ва фахланиш имконига эга бўлдилар. Миллий одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, ватанга содиқлик сингари фазилатлар ўз куч-қудратини кўрсатмоқда⁵⁹.

⁵⁷ Каримов И.А...4-бет.

⁵⁸ Зиёев Х. Истиқлол маънавият негизи. – Т., 1999, 63-бет.

⁵⁹ Зиёев Х. Истиқлол маънавият негизи. – Т., 1999, 23-бет.

Тил – ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Президентимиз «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида тил ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий – маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир»⁶⁰.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур»⁶¹.

Собиқ совет ҳукумати ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чека ўлка халқлари, жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилинди. «Миллий тиллар йўқолади, ягона тил бўлади», деб башорат қилинди. Бундай сохта назария Сталин томонидан ўртага ташланган эди.

Маълумки ўзбек тили асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келган. Айни пайтда буюк аجدодларимиз, тилимизнинг ўзига хос грамматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг улкан имкониятларига мос ёзув тизимини яратиш ҳақида доимо бош қотириб келганлари ҳам тарихий манбалардан яхши аён.

1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўҳна тарихи, ўтмиши, маънавий мероси ҳақидаги қўлёзма асарларни ўрганишдан маҳрум бўлди.

Ўзбек тили Ўрта Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир. «Умуман, туркий тиллар йирик икки оқимда ривожланди, - деб ёзади И.Қўчқоров, - унинг бири турк тили бўлса, иккинчиси ўзбек тилидир. Роман тилларини ривожлантиришда лотин тили қандай рол ўйнаган бўлса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги туркий тилларни ривожлантиришда ўзбек тили ҳам шундай рол ўйнади»⁶².

Тил муаммоси сингари ниҳоятда нозик, қалтис ва жиддий масалани ижобий ҳал этиш учун давлатимизда Ислом Каримов раҳбарлигида кенг миқёсда ташкилий ғоявий-сиёсий ва кенг кўламли тарбиявий ишлар олиб борилди.

Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилинди. Ва бу қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб қўйилди.

Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар раҳбарлари

⁶⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т, 2008, 83-бет.

⁶¹ Ўша асар...83-бет.

⁶² Тил – миллат қалби. «Мулоқот» журнали. 1991 йил, 10 сон, 17-бет.

билан бўладиган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли хужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Биз юқорида мустамлакачилик, қарамлик шароитида ўзбек халқининг бой маънавий ва маърифий меросига муносабат ва унинг ижтимоий оқибатларининг баъзи жиҳатларинигина кўриб ўтдик.

Президентимиз таъкидлаганидек, ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Жадид сўзининг маъноси нима?
2. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтиринг?
3. жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
4. Махмудхўжа Бехбудий ким бўлган?
5. Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг тарихий тақдирлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Шўролар даврида тарихимизга, маданиятимизга, бой маънавий меросимизга қандай муносабат кўрсатилган?

5-мавзу: Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Режа

1. Иқтисодиёт тушунчаси.
2. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг уйғунлиги
3. Ривожланган иқтисодиёт – юксак маънавият мезони.

Иқтисод тушунчасига турлича таърифлар бериб келинмоқда. Улар қанчалик турли-туман бўлмасин, бу таърифларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Берилаётган таърифларнинг турли-туманлиги муаллифларнинг фан ўрганаётган масаланинг у ёки бу томонига кўпроқ эътиборни берганлиги билан уйғун ҳолда ҳолда қараш тўғри бўлади.

«Иқтисодиёт деганда кишилар ҳаётини таъминлайдиган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли билан боғлиқ барча соҳаларнинг йиғиндиси ва айни жараёнда иштирок этаётган одамларнинг фаолияти, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишлар, мунсабатларнинг яхлит бирлигини тушунмоқ керак».⁶³

⁶³ Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Т., «Маънавият», 1999, 7-бет.

Қадимги юнон файласуфи Арастунинг фикрича «Иқтисод» хўжалик юритишнинг тўғри усулидир. Унинг мақсади – оиланинг хўжалик эҳтиёжини оқилона қондиришдан иборат. Чунки, оила жамиятнинг бир хужайрасидир. «Иқтисод» оила ва унинг аъзоларини олий мақсад – фаровонликка эришиш йўлида зарурий нарсалар билан таъминлайди. Иқтисод йўли билан қўлга киритилган нарса табиатни муносиб равишда қўлга киритишликдир⁶⁴.

Абу Али ибн Сино фанларни тасниф қилар экан, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади. Ўрта асрларда илмлар таснифи билан шуғулланган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фалсафий фан доирасига киритади.

Абдулла Авлониининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилар. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик бўлгани каби, иқтисоднинг зидди исрофдир. Аллоҳ бундай кишиларни суймайди. Иқтисодга риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшайдилар. Ҳозирги кунда мақсадга етмоқ, халққа мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдур. Мол топмоқликнинг энг баркамол йўли – экинлик, хунарамандчилик, савдогарликдир. Буларнинг ҳар бирига ҳам билим лозим»⁶⁵

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий хужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини қувнатиб, хайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Ҳиндистон ва Хитойга, Россия ва Ғарбий Овropa мамлакатларига етказиб борганлар. Ўрта Осиё бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига «Буюк ипак йўли» яққол мисол бўла олади. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатилаётган бозор иқтисодиёти моҳияти нима? Уни қисқа ифодалайдиган бўлсак у қуйидагиларни англатади:

Бозор иқтисодиёти сўзи биринчи навбатда узоқни кўзлаб ишлаб чиқариш, мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир.

Бозор иқтисодининг асосий шарт ва талаби – мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Худди шу талабларни амалга оширишнинг энг қулай шароитларини капитализм даври вужудга келтирди. Натижада инсоният кейинги беш аср ичида ундан олдинги ҳамма тарихдагидан кўп моддий ва маънавий қадриятлар ярата олди. Бозор иқтисоди ҳукмрон мамлакатлар моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қайнар булоғига айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, олдимизда у қайси йўлдан бориши керак?-деган масала қўндаланг бўлиб турди. Аммо, бозор муносабатларининг қайси йўли, қайси шакли биз учун мақбул, қайси бирини ўзимизнинг бундан кейинги тараққиётимиз учун танлаб олишимиз кераклиги масаласи олдимизда турган муаммо эди. Бозор муносабатларига ўтиш

⁶⁴ Ғарб фалсафаси / Тузувчи ва маъсул муҳаррир: Назаров Қ. –Т., «Шарқ», 2004, 145-бет.

⁶⁵ С.Ҳ.Носирхўжаев ва бошқалар. Маънавият асослари. Т., 2002, 83-84 бетлар.

Англияда 200 йил, бошқа мамлакатларда 100-150 йил Япония, Корея мамлакатларида 20-30 йил давомида шакллланган.

Ушбу йўлнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан, «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган. Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ишлаб чиққан ва илгари сурган беш тамойилда ўз ифодасини топган.

Бу тамойиллар қуйидагилар:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши керак ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши;

Иккинчидан: Давлат бош ислохотчи бўлиши;

Учинчидан: Қонун устуворлиги, яъни қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳар нарсадан устунлиги;

Тўртинчидан: Кучли ижтимоий сиёсат;

Бешинчидан: Бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Юкоридаги беш тамойилни қисқа изоҳлайдиган бўлсак, улар қуйидагиларни англатади: биринчидан, гарчи иқтисодиёт сиёсат ва мафкура билан боғлиқ бўлса-да иқтисодиёт сиёсий манфаатларга мутлақ бўйсундирилганда, у барбод бўлади. иккинчидан, И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида таъкидланган «Давлат асосий ислохотчи бўлиши зарур. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини бартараф этиши шарт» деган фикри ўта аҳамиятлидир.

Учинчидан, И.А.Каримов ўзининг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласи ҳамда бошқа бир қатор асарларида ҳамманинг қонунга итоаткор бўлиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устун туриши таъкидланган. Маърифий дунёдаги бозор – бу энг аввало қонунга ҳурмат демакдир.

Тўртинчидан, Республикамизда кўп сонли кишилар турмуш даражасининг пастлиги тоталитар иқтисодий тузумдан қолган мерос. Биз танлаган йўлнинг ўзига хослиги шундаки, фақат аҳволи ночор қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали бозор муносабатларига ўтилишидир.

Бешинчидан, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов доимо ислохот ўтказишда шошқолоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги, уни эҳтиётлик билан секин-аста ўтказиш зарурлигини таъкидлаб келмоқдалар.

«Ўзбек модели»нинг бошқа моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу билан бирга у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

2. Иқтисод ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ. Маънавиятсиз иқтисод ва иқтисодиётсиз маънавият юксак босқичга кўтарила олмайди.

Президентимиз Ислом Каримов доимо иқтисод, сиёсат ва маънавиятнинг уйғун ривожланиши зарурлигини таъкидлаб келади. «Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик

билан тўла уйғун бўлмоғи керак»⁶⁶. Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи – мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақиллиكنинг замини мўрт бўлади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди. Фақат уларнинг ўзаро уйғун ривожига таъмин этилсагина, Ўзбекистон улугъ юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллай олади⁶⁷.

Шу ўринда баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, улар янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бутун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда⁶⁸.

Айрим кишилар эркин бозор иқтисоди шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий қадриятларнинг қиймати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, маънавий қашшоқлик авж олади, деб даъво қиладилар. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин.

Юртбошимиз И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» китобида таъкидлаганидек, ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт⁶⁹.

Кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримов маънавият – иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосидир, деган янги фикрни ўртага ташлади. **Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни баъмисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотиغا қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.**

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади⁷⁰.

Умуман, биз узоқ йиллар давомида маънавият, маданиятни иқтисоддан кейинги ўринларга қўйишга одатланиб қолган эдик. Эндиликда маънавият олдинги ўринлардан бирига чиқди.

Маънавиятнинг олдинги ўринга қўйилишига иккита сабаб бор: Биринчидан, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибалари кўрсатадики, фақат юксак маънавиятгина юксак иқтисодий ривожланишни таъминлаши мумкин. Маънавият яратувчанлик ва фаоллиكنинг асосий манбаси ҳисобланади.

⁶⁶ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир., Т., 1996. III жилд, 354-бет.

⁶⁷ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2001.28-бет.

⁶⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. 68-бет.

⁶⁹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 25-бет.

⁷⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т, 2008, 67-бет.

Иккинчидан, Республикамизда иқтисодий ривожланишни орқага сураётган, унга тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири – маънавиятсизлик эканини англаб етдик. Бу ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, аммо, уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг чамбарчас боғлиқ эканлиги бизнинг ота боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда ахлоқ кодекисини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, киши қалбида харомдан хазар нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кўнглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

Жумладан, улуғ бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да подшоси одил, савдогари сахий юрт обод бўлади деган сўзлар келтирилган.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ёзишича, савдо икки хилдир. Иккови ҳам хатарлидир, бири муомала, иккинчиси мусофирликдир. Савдогар ўзининг тани ва молига эҳтиёт бўлиши, бепарво бўлмаслиги зарур. Савдода ёлғон сўз айтмаслик, алдамаслик, мол тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, унинг яхши ва ёмон сифатларини яширмасдан кафолат бериш, тош-тарозидан урмаслик, шу йўл билан миждозларни кўпайтириш тўғрисида фикр юритади.

Шу ўринда ҳадисшунос Имом ал-Бухорийнинг «Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир, савдо-сотик ҳийлакорлик, бозорни касод қилиш мақсадида атайлаб нарх-навони оширмақ, алдамчилик қилмоқ, макрухдир».

Шунга яқин фикрни буюк аллома Имом Ғаззолий ҳам «Кимёи саодат» асарида баён қилади. У дейди: «Аввали илм, одам ўз нафсини танимоғидир». Бу билан Ғаззолий моддий неъматларга керагидан ортиқ хирс қўйиши инсоннинг маънавий ожизлиги деб уқтиради.

Мутафаккир шоир Сўфи Оллоҳёр эса бу фикрни давом эттиради. У нафс фақат емоқ-ичмоқ борасида инсонни бузибгина қолмай, унинг маънавий қиёфасига салбий таъсир кўсатишини айтиб ўтади⁷¹.

Шариат ҳуқуқларида тижорат борасида адолат, тўғрилиқ, ҳалолик, инсонпарварлик қоидаларига риоя қилиш ниҳоятда зарур эканлиги баён қилинади.

Буларнинг барчаси маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озикланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёрқин ифодасидир. Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро муносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тарққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда⁷².

Биз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз керак.

⁷¹ Сувонқулов И. Маънавият асослари. Самарқанд 2005, 90-91 бетлар.

⁷² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. 70-бет.

3. Мамлакатимиз ўзининг кўп асрлик давлатчиликни шакллантириш, ривожлантириш тарихига эгадир. Унинг давлатчиликни вужудга келтириш тажрибалари, мустақилликни мустаҳкамлашимизга ўзининг, ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маънавиятни ривожлантиришга ҳам, мавжуд бўлган имкониятлар ва ресурсларни ишга туширишга ҳам ката эътибор берилмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов ҳақли равишда айтганидек, Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади. Бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2700 дан зиёд турли фойдали қазилма конлари истиқболли жойлар аниқланган. Уларнинг биргаликдаги қиймати мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар баҳосига кўра 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётир.

Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда. Масалан, олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис захиралари бўйича 10-11 ўринда, уран захираси бўйича 7-8 ўринда туради.

Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион куб метрга яқин, кўмир – 2 миллиард тоннадан ортиқ, 350 миллион тоннага яқин нефт захиралари мавжуд.

Ўзбекистон қудратли илмий-маънавий потенциалга ҳам эгадир. Республика ҳудудида Фанлар академияси, 120 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари, 60 дан ортиқ Олий ўқув юртлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг йирик саноати 200 тармоқни ўз ичига олади. 2000 мингдан зиёд завод ва фабрикаларда жуда кўп соҳаларда қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шу ўринда ҳозирги кундаги жаҳон молиявий инқирозига қарши чора тадбирлар кўриш ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қуйидаги фикрларни билдиради: Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади⁷³.

Ўзбекистон ривожланган, кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эгадир. Ўзбекистон қимматбаҳо хом ашё - пахта етиштирадиган жаҳондаги энг йирик ўлкалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон бу экинни етиштирадиган мамлакатлар орасида жаҳонда тўртинчи ўринни ва пахта маҳсулотларини экспорт қиладиган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили мамлакат далаларида, боғларда 5 миллион тоннагача мева сабзавотлар етиштирилади. Марказий Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40% га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим, устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз кифасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ

⁷³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., «Ўзбекистон», 2009, 11-бет.

кенг кўламли чора-тадбирларларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришдан иборатдир⁷⁴. Бунинг тасдиғи сифатида 2009 йили тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бунга мисол бўлаолади.

Хуллас, юқорида кўрганимиздек, жуда катта бойликлар мавжудлиги, кудратли саноат базаси, илмий интеллектуал салоҳият, маънавий фазилатлар, давлат суверентети янги жамият барпо этиш, Ўзбекистонни ривожланган, гуллаб яшнаётган давлатга айлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий асос бўлиб қолади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иқтисодиёт тушунчаси нимани англатади?
2. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунаси?
3. Ўзбек модели деганда нимани тушунаси?
4. Ота боболаримиз маънавият ва иқтисоднинг ўзаро боғлиқлиги қандай тушунишган?
5. Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий заминлари нималарда деб биласиз?

6-Мавзу: Маънавий баркамол, комил инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи.

Режа:

1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.
2. Комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари.
3. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замон талаби.

1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата олади. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ибратлидир: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида комил топган инсонни тушунамиз»⁷⁵. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли,

⁷⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., «Ўзбекистон», 2009, 41-бет.

⁷⁵ Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т., 2000. 13-14 бетлар.

яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, ҳуқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан ажралиб туради.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, унинг қуйидаги жиҳатига эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил мунсабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий – ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, ҳулас бутун оила ва бутун халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш; теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш; ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар киради.

Маънавий–маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам киради. Мустақиллик тафаккурини ҳар бир кишида, шакллантириш ниҳоятда зарур. Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғурур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби ҳислатлари жўш урмайди.

Мустақиллик тафаккури кенг қамровли бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ватан истиқлоли ва истиқболи ҳақида қайғуриш;
- халқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш;
- бутун меҳнати, истеъдоди, имкониятини, зарур бўса жонини ҳам юрт истиқболи, халқ бахти учун бахшида этиш ва бошқалар.

Мустақиллик, бу-бизга аждодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавиятдир. Шу маънавиятни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчдир. Шу вазифани амалга ошириш ва ҳал қилишда ёшлар ва бутун халқ онгига мустақиллик руҳини сингдириш катта аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахирланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайдир. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

Маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш вазифаси қанчалик мураккаб бўлмасин, уни амалга оширганимиздагина пировард мақсадларга эришиш мумкин бўлади.

2. Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай, комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш-бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон-даражама-даража чуқур маъно касб этади.

Бизнинг кўҳна тарихимизда юзага келган халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур масалани тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қадимги юнон файласуфи Арастунинг комиллик ҳақида қуйидаги фикрлари мавжуд. Комил инсон мукаммал фуқаро бўлиши керак, мукаммал фуқаро бўлиши учун давлат ҳам мукаммал бўлиши керак⁷⁶. Бу қараш олий даражадаги юнон шаҳар-давлат ҳаётини кузатувчи ва тадқиқ қилувчи Арастуға ўхшаган кишиларга хосдир.

Арасту ижодини тадқиқ қилган Виламовиц-Меллендорф шундай ёзади: Комил инсонни яратмоқчи бўлган киши, комил фуқарони тарбияламоғи керак, комил фуқарони тарбияламоқчи бўлган киши комил давлатни яратиши керак⁷⁷.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонлар афъолу инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб «Комил инсон» номли рисоласида инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва баткидорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил киши инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси. Комил инсон одамлар жамиятида етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари яратилган. Шулардан баъзиларини

⁷⁶Ғарб фалсафаси / Тузувчи ва маъсул муҳаррир: Назаров Қ. –Т., «Шарқ», 2004, 147-бет.

⁷⁷ Ғарб фалсафаси....147-бет.

санаб ўтамыз. Чунончи Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Махбуб –ул- кулб», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалолик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуг мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лўқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, яхши, мулойим тилли бўлиш, раҳимдил бўлиш, саҳий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хуш хулқ бўлиш, ризо – розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўрқмаслик ва бошқалар.

Алишер Навоийнинг қаҳрамонлари орасида комил инсон даражасига етганлари кўпчиликни ташкил қилади. Комилликнинг энг биринчи белгиси ҳалоллик ва покликдир. Алишер Навоий орзу қилган ҳалол ва пок инсон нафақат ташқи, балки ички маънавий қиёфага эга бўлган инсонлардир. Масалан, Фарҳод, Искандар, Мажнун, Сухайл, Нафсил, Ширин, Лайли, Дилором ва бошқалар ҳалоликнинг тимсолларидир. Унинг ижодида маънавий маънавий камолотга эришган комил инсон Фаҳоддир. Унинг халқ билан ҳамнафаслиги, ҳамиша эл-юрт хизматига камарбасталиги, ўз илму-хунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, бахту-саодатини таъмин этишига сарфлаши бунинг далилидир⁷⁸.

Шу тариқа ўтмишда комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу – армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни, эзгулик руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат ва вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келган.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилиқнинг, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанни севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир.

«Комил инсон деганда, - деб ёзади Ислом Каримов, - аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ – атори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»⁷⁹.

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилиқ, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улуг сифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маънавиятлилиқ, тарбияланганлик ва бошқалар;

⁷⁸ Маҳматмуродов Ш., Абдуманнотов А. Алишер Навоийнинг маърифий қарашлари. Самарқанд, 2007, 46-47 бетлар.

⁷⁹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., 1998, 6-бет.

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилик, фидокорлик, хушмомлалик, боадаблик, илтифотлилик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, диёнатлилик, ҳаромдан ҳазар қилиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ва ҳоказолар.

Айни шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Бугунги кунда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа саналади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди. Ҳақиқатдан ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. «Зеро, деб уқтиради Ислон Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз»⁸⁰.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислохотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, ғоявий, мафкуравий парокандалик даврига барҳам берилди. Ижтимоий ҳодисалар билан билан бирга миллий маънавиятимиз юксала борди.

Юртбошимиз «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаганидек: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашиш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, тадбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир...»⁸¹. Ҳақиқатдан ҳам фақат маънавий эркин ва озод халқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиш мумкин. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохотларга тайёр бўлиши мумкин.⁸²

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундоқ бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилиқ ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайти. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қўламли маданий, тарихий, маърифий,

⁸⁰ Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар куради. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 17 феврал.

⁸¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998, 299-300-бетлар.

⁸² Қаранг. Ўша жойда, 306-бет.

тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян вақтни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошириладиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш давларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Шунинг учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда фарзандларимизни бошқалар етаклашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги, маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Шу маънода юртбошимиз И. Каримовнинг куйидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади: «Бу соҳадаги ишларимизнинг провард мақсади иймон-этиқоди бутун, иродаси баққуват эркин фуқаро маънавиятни шакллантиришдир. Яъни, мақсадимиз мустақил дунёқарашга эга аждоғларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс-комил инсонни тарбиялашдан иборат».⁸³

Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авланийнинг: «тарбия бизлар учун ё ҳаёт, -ё мамот,- ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, - ё фалокат масаласидир», деган ўғитига амал қилишимиз зарур⁸⁴.

Олдимизда турган эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барчаси, авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ислоҳ Каримовнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари нималардан иборат?
2. Маънавий баркамол инсон деганда нимани тушунаси?
3. Комил инсон деганда қандай инсонни тушунаси?
4. Комил инсон ҳақида Шарқ мутафаккирлари фикрларидан намуналар келтиринг?
5. Маънавий баркамол, комил инсоннинг асосий фазилатларига нималар киради?

7 – Мавзу: Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллатга садоқат шахс маънавияти мезонлари

Режа:

1. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари
2. Инсонпарварлик – инсон ва жамият маънавий қиёфасининг мезони
3. Ўз миллатига садоқатли бўлиш – юксак бурч.

⁸³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт –пировард мақсадимиз. – Т., 2000, 25-бет.

⁸⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008, 62-бет.

Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ, бу тор маънодаги тушунчадир.

Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек ватан калимаси бадиий адабиётда кўчма маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади⁸⁵.

Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий – иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб келган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми шароитида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд Эл деб аталган. Масалан, ўзбек халқи дostonларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини қамраб олган. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, руҳий ва руҳоний, марифий ва маънавий раvнақ топа бориши натижасида шу халққа мансуб кишилар орасида муштараклик шаклланади. Халқ билан миллат ўртасидаги биринчи ва бирламчи фарқ шундаки, миллат вакилларида уюшқoқлик, жипислик, бирдамлик, ҳамжихатлик, маслак ва эътиқодда ягоналик, ўзарo манфаатдорлик, боғлиқлик ва алоқадорлик, бугунги турмуш ва келгуси мақсадларда умумийлик халқ вакилларидагидан кўра кучли ва қудратли бўлади.

Ватан инсонга бахт – иқбол берадиган заминдир. Абдулла Авлoний айтганидек: «Ҳар бир кишининг тўғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан oртиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан oртиқ суйганимиз каби, араблар арабистонликларни, қумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб хижрат қилурлар эди».

Ватан – аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира.

Курраи замин – ер сайёраси бутун жумлаи жаҳонда яшаётган олти миллиарддан зиёд халқлар учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳудуд она – Ватандир.

Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугун ва келажагидир. Ватан – муқаддас қадрият. Инсон учун ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди.

Президентимиз И.Каримов келтирган иборадек: «Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билагани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз oтиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.»⁸⁶

⁸⁵ Иброҳимов А. Ёруғлик. –Т.; 2006, 92-бет.

⁸⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008, 90-бет.

Муқаддас ҳадиси шарифда, «Ватанни севмоқ имондандир», дейилган. Яъни имони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанни севади, уни ғанимлар кўзидан асрайди, унинг яшнаши ва яшаши, ҳурлиги учун курашади.

Президентимиз айтганидек, Ватан - Сиз каби фидойи ватанпарварларга таянади. Ҳар биримиз ўзимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятимиз, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимиздан кейинги авлодларга озод ва обод ватанни қолдиришимиз келгуси авлодлар, насл-насабларимиз олдидаги бурчимиздир.

Ватанпарварликни энг олий туғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар.

Цицерон (рум нотиғи ва файласуфи). Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақробалар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан!

Гегел (немис файласуфи). Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Байрон (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Белинский (рус тадқиқотчиси). Кимки ўз Ватанига даҳлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам даҳлдор эмас.

П.Я.Чаадаев (рус мутафаккири). Мен Ватанимни танқид қилишим, камситишим ва унга озор беришим мумкин, лекин ҳеч қачон уни алдамайман.

Гюго (француз адиби). Ўз ватанига доғ тушириш – уни сотиш демакдир.

2. Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш, курашиш заминиди инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик ўзбек халқининг ажралмас хислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосида қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари шу ғояларга бой ҳикматлар мажмуаси саналади. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр-шавқатида, диёнатда, ўзаро кўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади.

Ўзбек халқи доимо умуминсоният дардини қўллаб келган. Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн-Сино, аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Оғаҳий асарларидаги ғоялар – инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Хусусан, Алишер Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, халққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрликдан иборатдир. Навоий ижодида бу мавзунинг алоҳида ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир. У нафақат бадиий ижодда, балки ўз амалий фаолиятида ҳам юксак инсонпарварликка содиқ қолган мутафаккирдир. У халқ учун, Эл-улус учун, бева-бечора, етим-есирлар учун мадрасалар, шифо масканлари қурдирган. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири – ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш

учун тинчлик зарур. Демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам инсонпарварлик ғоялари тўла ўз ифодасини топган. Чунончи: «39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас»⁸⁷.

Биз танлаб олган йўл, бозор иқтисодиёти жамиятда маълум маънода табақаланишга олиб келиши табиий. Шу билан бирга, биз барпо этаётган жамиятда давлат халқнинг кескин табақаланиб, ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал- қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижтимоий сиёсат юргизмоқда.

Бу тўғрисида Ислом Каримов шундай ёзади: «Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири – аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза қилиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир».

Инсонпарварлик кўринишларидан бири бу инсонни улуғлашдир. Инсон табиатнинг гултожи. У ҳар қанча мақтовга лойиқ зот саналади. Биз бу ўринда «Шарқ Гегели» деган шарафли номга сазовор бўлган файласуф, шоир, мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил сўзларини келтириш билан чекланамиз. Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор улуғ зот деб билади ва бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар кимки, ҳазрати инсон саждага сазовор демаса, у маълундир».

3. Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Миллатпарварлик бу ҳар бир инсон учун юксак бурч саналади. Ўз миллатини севмаган инсон ўзини ҳам, Ватанни ҳам сева олмайди. Миллатпарварлик ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш ёки камситиш каби жирканч ҳаракатлардан тубдан фарқ қилувчи туйғудир. Миллатпарварлик ўз миллатининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўз тили, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш, қадриятлар ва меросларни кўз қорачиғидай асраш, ўз миллатининг келажаги учун хизмат қилувчи ақл-заковат, салоҳиятини ривожлантириш ва миллий тарбияни амалга ошириш йўлида фидойи бўлишдир.

Нега Ватан тушунчаси бош маъноси – мамлакат, миллий давлат билан бир келади? Чунки, бунда Она-замин ва миллат тушунчалари бирлашади, уйғунлашади. Миллат туйғуси бўлмаган инсонда ўз оиласи, туғилиб ўсган шаҳар-қишлоғига интилиш бўлиш мумкин, аммо том маънодаги Ватан меҳри бўлмайди, фидойилик даражасидаги Ватан туйғуси унга ёт бўлади. Миллат туйғуси Ватан туйғуси билан бирлашган жойда ҳақиқий Шахс вужудга келади, маънавий камолот, юксак маъсулият ҳисси шаклланади⁸⁸.

Миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлган миллатпарварлик туйғусини шакллантиришда яқин ўтмишда миллатимиз манфаатларини кўзлаб миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатган содиқ фарзандлари амалга

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008.

⁸⁸ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2001. 287-бет.

оширган ишларни ташвиқот қилиш катта аҳмиятга эга. Бугун Ф.Хўжаев, А.Икромов, А.Қодирий, У.Носир, А.Фитрат, И.Мўминов, Х.Абдуллаев, Ш.Рашидов кабиларнинг номлари миллатпарварликни ўзида ёрқин мужассам этганлигини ёшларга тушунтиришимиз лозим. Уларнинг ҳар бири Шўролар тузумининг энг мураккаб, энг қийин шароитида миллатимизнинг манфаатини, кадр-қимматини, ор-номусини, тарихини, маданиятини ва маърифатини ҳимоя қилдилар. Миллатимизнинг мустақиллиги учун жон фидо этдилар.

Ана шундай миллатпарвар ватандошларимиздан бири машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломов ҳақида Президентимиз қуйидаги фикрларни билдиради: Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда қадимий тепаликларларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман.

Адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятини ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади⁸⁹.

Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхоним ҳам шундай фидоий инсонлардан. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди⁹⁰.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонда ўз муносиб ўрнини топиши, миллатимизнинг кадр-қимматини жойига қўйиш она заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ватан деганда нимани тушунаси?
2. Ватанпарварлик ҳақида ўтмиш мутафаккирларининг қандай фикрларини биласиз?
3. Ватанни севмоқ имондандур иборасининг моҳиятини изоҳланг?
4. Мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати нималарда кўринади?
5. Қандай одамни миллатпарвар дейиш мумкин?
6. Миллатпарвар ватандошларимиздан кимларни биласиз?

8- мавзу: Шахс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари

Режа:

⁸⁹Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008, 166-бет.

⁹⁰ Каримов И.А...166-167 бетлар.

1. Шахс маънавияти ва уни шакллантиришда ота-она маъсуляти.

2. Адабиёт ва санъат-шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим воситаси.

3. Шахс маънавиятини шакллантиришнинг бошқа омил ва воситалари.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб, ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб кадрятларидан бири – ота-онани фарзандлар томонидан юксак даражада эъзозлаш, иззат икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон азиз ва мўътабар зот йўқ.

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида оила ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида қўйидаги фикрларни келтиради: **«Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий меъзон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»⁹¹.**

Қадимий туркий одатларга биноан фарзанд тарбиясига ота-оналардан кўра бобо-бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлган. Чунки, ҳаётликларида бобо ва бувилар оиланинг маънавий раҳбарлари бўлишган. Амир Темур ва темурийлар хонадонида ўрнатган тартибга кўра шахзодалар тарбияси билан уларнинг оналари эмас, балки бувилари шуғулланишган. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим бўлса-да, унинг тарбияси билан Бибиҳоним (Сароймулкхоним) шуғулланган. Шунингдек, Бибиҳоним бошқа шахзодаларнинг ҳам тарбияси билан ҳам шуғулланган. Амир Темурнинг ўзи ҳам фарзандлари ва неваралари тарбиясига жиддий аҳамият берган, доимо назорат қилиб турган. Ҳатто, фарзандлар тарбияси масаласини давлат ишлари сирасида муҳокама қилади. Юқорида мисол келтирилган удумлар ҳозирги кунда ҳам ўз таъсирини йўқотмаган⁹².

Оила қанчалик тарбияли, яхши хулқ-атворли, унинг аъзоларининг ўзаро муносабатлари самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик самарали бўлади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарзандлар учун мажбуриятдир». Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Туну кунингга нур бериб турган – бирисини ой деб бил, иккинчисини куёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизикдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматини сен одоб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб, фарзандлик масъулияти қонуний белгилаб қўйилган⁹³.

⁹¹ Каримов И.А. ...52-бет.

⁹² Иброҳимов А. Ёруғлик. –Т.; 2006, 246-бет.

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.

Ота-онанинг ҳам фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда катта ва масъулятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарликни маънан англаб этиши керак.

Оилада маънавий тарбия ҳақида Президентимиз шундай дейди: **«Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш аини муддао бўлур эди»⁹⁴.**

Оиладаги меҳнат тарбияси болаларни уй юмушига жалб этишдан бошланади. Оила шароити боланинг нафосат тарбиясига ҳам катта таъсир этади. Болалар ёшликдан ўз ҳиссиёт ва фикрларини мустақил ижод этиш - расм солиш, ашула айтиш, рақс тушиш ва шу кабилар орқали ифодалаши учун унга имкон бериш муҳимдир.

Шахснинг шаклланишида ижтимоий тарбиянинг ҳам аҳамияти катта. Тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликлари авлоднинг ворислиги таъминланади, ўсиб келатган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитади. Бундан ташқари, оилада шажаравий ва диний тарбиянинг ҳам аҳамияти каттадир.

Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқодига кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир.

Оила бу асрлар давомида сақланиб келатган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, имон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик кўникмалари шаклланадиган маскандир.

2. Адабиёт ва санъат асарлари мустақил Республикамиз фуқаролари маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд қилиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Маънавий ғояси юксак, бадий жозибали адабиёт ва санъат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик ҳиссиётига кучли таъсир қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга даъват этиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун адабиёт ва санъат асарлари кишиларнинг юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги бадий таъсир этишдек воситачилик хусусиятидан имкон борица кенгироқ фойдаланиш муҳимдир.

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли востита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта⁹⁵. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди⁹⁶.

Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички – руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

⁹⁴ Каримов И.А....55-бет.

⁹⁵ Каримов И.А...136-бет.

⁹⁶ Каримов И.А...140-бет.

Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Машраб, Мукумий, Фуркат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлаидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бадиий – маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга муסיқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Бу ҳақида Президентимиз қуйидаги фикрларни билдиради: **“Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, муסיқа маданияти халқимизда болалаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дотор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, муסיқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаққа бўлмайди. Энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ таъсир кўрсатмоқда”**⁹⁷.

Маънавий тарбияда кишилар онги руҳиятига таъсир этишда театр санъатининг ҳам роли ва аҳамияти, таъсир этиш доираси, имкониятлари чексиздир. Биз театр санъатини икки томони чархланган шамширга ўхшатишимиз мумкин. У бир томони билан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак маънавийлик томон йўлласса, иккинчи томони билан эса инсон қалбидаги нодонлик, жаҳолат яъни маънавиятсизликка ва жаҳолатга қарши курашга ундайди. Афсуски кишиларимиз, шу жумладан ёшларимизнинг театр, кино санъати, ёки санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқиши унчалик етрали даражада эмаслиги кишини ажаблантиради.

Театр санъати хусусида гап борганда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театр – бу ибодатхонадур», деб таъкидлаган фикрини эслаш ўринлидур.

Театр кишиларимиз турмушини, интилишини, қизиқишини, хатти-ҳаракатларини ҳаяжон билан акс эттирадиган майдондир. Чунки театр маънавиятимизни юксалтирибгина қолмасдан, шунинг билан бирга ёшларимизга илм эгаллашда, миллат ва ватанни тараққий эттиришда фидойилик кўрсатишда, завқ-шавқ ва илҳом бағишлайдиган воситаларнинг асосийларидан бири хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий тарбия бугунги куннинг энг долзарб масаласи. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари – ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, врачлар, артистлар, барча раҳбарлар бирдек масъулдирлар. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

3.Шахс маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда сўз ғоявий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади. «Яхши сўз – қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Ҳақиқатдан ҳам ўз ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, бамаъни фикр доимо кишиларнинг хулқ-атвориға, маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, шахс маънавиятини

⁹⁷ Каримов И.А...141-бет.

шакллантиришда миллий кадрятларимизни ўрни ҳақида сўзлар эканмиз, уларнинг барчасини бир бошдан айтиб ўтиш шарт эмас.

Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалламизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналари, улкан маънавий тарбия вазифасини бажаради.

Маҳалла аввало соғлом ижтимоий, маънавий, ахлоқий муҳит саналади. Маҳаллада кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлини унинг катта ёки кичиклигидан, амалдор ёки оддий ишчи, ҳунарманд, бой ёки ночор бўлишидан қатъий назар уларнинг хулқ –атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.

Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинаккам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Биз «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз⁹⁸.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса ҳар бир киши қалбида миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, эл-юрт шаъни учун кураш, ўзаро ёрдам каби фазилатларни камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир.

Таълимни - тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси⁹⁹.

Шахс маънавиятини шакллантиришда таълим-тарбия муассаларининг ўрни ниҳоятда каттадир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган маънавий тарбия жараёнида, барча ўқув қўлланмалар ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда, ўтказиладиган тадбирларда қуйидаги маънавий-маърифий омиллар устувор аҳамият касб этиши мақсадга мувофиқ:

- Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;
- она тилимизга муҳаббат ва ҳурмат уйғотиш;
- миллий қадриятларимиз, маънавий меросимизга ҳурматни кучайтириш;
- эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш;
- умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканлигини уқтириш;
- диннинг дунёвийлик билан қарама-қарши эмаслигини англатиш;
- ҳуқуқий маданият, соғлом дунёқараш, соғлом маънавий фазилат шаклланишининг муҳим омили эканлигини тушунтириш;
- ўз тарихини билиш орқали ўзлигини англаш ва бошқалар.

⁹⁸ Каримов И.А...58-59-бетлар.

⁹⁹ Каримов И.А...62-бет.

Таълим муассасаларида яратилган ўқув қўлланмалардан тортиб, синф ва аудиторияларгача барчасини мафкуравий, маънавий-маърифий таълим берувчи ижтимоий кўргазмали куруллар билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқ. Шундагина шахс маънавиятини шакллантириш борасида қўйган мақсадга эришамиз. Шунинг билан таълим ва тарбиянинг самарадорлигини ошириб бориш ҳам энг долзарб вазифаларимиз қаторида турганлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ота –онанинг фарзанд олдидаги улуғлиги нимада?
2. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ота-онани ҳурмат қилиш ҳақидаги фикрларини қандай изоҳлайсиз?
3. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида оила ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида қандай фикрларни билдирган?
4. Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчи нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-она маъсулияти ҳақида нималар кўрсатилган?
6. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг роли қандай?
7. Шахс маънавиятини шакллантиришнинг яна қандай омилларини биласиз?

Маънавият ва маърифатнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлардан намуналар

Бирор-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

И.Каримов

Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

И.Каримов

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

И.Каримов

Маънавиятни қайта қуриш жамиятни қайта қуришга нисбатан ҳам оғир кечадиган, ҳам узоқ давом этадиган жарёнدير.

Виктор Гюго

Маънавият ўзини таниш, ўзини ўзгалар билан, ўзгаларни эса ўз назари билан тафтиш қила билиш демакдир.

Виктор Гюго

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. «Ўзбекистон», 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. III жилд, Т., 1996.
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан, - Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., 1998.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт –пировард мақсадимиз. – Т., 2000.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т., 2000.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т. “Маънавият”, 2008.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., «Ўзбекистон», 2009.
10. Каримов И.А. Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти. Халқаро конференция материаллари. “Ўзбекистон”, 2014.
11. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991.
12. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000.
13. Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа ва унинг тарихий тафаккури. – Т., 1999.
14. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. Т., «Маънавият», 1999.
15. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990.
16. Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. Т., 1999.
17. Жаидчилик ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т., 1999.
18. Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий - руҳий тикланиш. –Т., 2003
19. Маънавият юлдузлари. –Т., 1999.
20. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1969.
21. Маҳматмуродов Ш., Абдуманнотов А. Алишер Навоийнинг маърифий қарашлари. Самарқанд, 2007.
22. Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат. –Т, 1998.
23. Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., 2001.
24. Иброҳимов А. Ёруғлик. –Т., 2006.
25. Носирхўжаев С.Ҳ ва бошқалар. Маънавият асослари. Т., 2002.
26. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века,- М., 1965.
27. Юсупова Д. Письмо Гийас ад-Дина. Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан // Из истории науки эпохи Улугбека. – Т. Фан, 1979.
28. Яхшилик Ж., Убайдуллаева Н. Жаидчилик ва Бехбудий. –Т.: «Фан», 2004.
29. Қайюмов А., Исҳоқов М. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., 2000.
30. Ғарб фалсафаси / Тузувчи ва маъсул муҳаррир: Назаров Қ. –Т., «Шарқ», 2004.
31. Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шохномага. – Т., 2007.

